

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АПЕЛЛЯЦИЯ СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АЖРИМИ

2023 йил май ойининг 10 куни Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раис ўринбосари, У.Бакдурдиевнинг раислигида, ҳайъат судьялари О.Махмудов ва Д.Муратовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Н.Юлдашеванинг котибалигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ғ.Иброхимов, жабрланувчи С.Мадримов, судланган И.Х. ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Балтаевнинг иштирокида, судланган И.Х.нинг ҳимоячиси адвокат Р.Балтаев томонидан апелляция тартибида келтирилган шикоятни жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Янгиариқ судининг 2023 йил 11 март кунги ҳукмига кўра:

Х.И. (Х.И), 1952 йил 27 апрель куни Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, нафақада, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди томонидан 2007 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилиниб 1 йил синов муддати белгиланган;

2) жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман суди томонидан 2008 йил 9 июлда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,б,г” бандлари, 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 209-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 45,59,62-моддалари тартибида 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 1 йил 9 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди томонидан 2010 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди, 28 ва 211-моддаси 3-қисми “а” банди, 228-моддаси 2-қисми “б” банди, 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 45,59,60,61-моддалари тартибида 2 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум



қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2013 йил 30 декабрдаги ажрими билан 2013 йил 2 декабрдаги амнистия актининг 1-банди “в” кичик бандига асосан жазони ўташдан озод қилинган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2014 йил 18 сентябрдаги кассация ажримига асосан жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг 2013 йил 30 декабрдаги ажрими бекор қилинган;

**4)** жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди томонидан 2014 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари, 28 ва 211-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил 6.292.000 сўм жарима ва 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қилиниб 1 йил синов муддати белгиланган, жазони 2015 йил 1 ноябрда тўлиқ ўтаган;

**5)** жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан 2020 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 25 ва 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 59,62-моддалари тартибида 11.038.500 сўм жарима жазоси тайинланиб, жаримани 2020 йил 15 июнда тўлиқ тўланган;

**6)** жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди томонидан 2021 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25 ва 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28 ва 211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59,61,62-моддалари тартибида 5.575.000 сўм жарима ва 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, жаримани 2021 йил 28 майда тўлиқ тўланган,

**7)** жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман суди томонидан 2022 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25 ва 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 60,61,62-моддалари тартибида 18.900.000 сўм жарима жазоси ва 1 йил 3 ой 20 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Хўжабод туман судининг 2022 йил 21 апрелдаги ажримига кўра, ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 3 ой 5 кун озодликни чеклаш жазоси сиртдан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, қидирув эълон қилинган, 2022 йил 22 апрелда ушланган, жиноят ишлари бўйича Охангарон туман судининг 2022 йил 26 сентябрдаги



ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўталмаган 10 ой 1 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, “Солпи” маҳалласи, Маорифлар кўчаси, 33-уйда яшаган, 2022 йил 7 октябрь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, 25 ва 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, яъни 30.000.000 сўм жарима жазоси, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни тўлиқ қўшиш йўли билан, жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, яъни 30.000.000 сўм жарима жазоси, ЖКнинг 60-моддаси тартибида ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил 33.400.000 сўм жарима, 4 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташлик белгиланган.

Судланувчи И.Х.дан жабрланувчи С.Мадримов фойдасига 175.106.000 сўм пул ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, И.Х. хавфли рецидивист бўла туриб, 2022 йил январь ойининг ўрталарида Шовот тумани, “Тупроққалъа” маҳалласи, “Одиллик” кўчаси, 5-уйда яшовчи У.А. билан телефон орқали танишиб, ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, Бош вазирнинг яқин қариндошларидан бири коронавирусга чалинганларни даъволовчи клиника ташкил қилганлигини, шунга ҳомийлик қилиши кераклигини, клиникада даволанаётган беморларга саҳоват кўрсатиб, ҳомийлик қилганларнинг рўйхати юритилиб, Бош вазирга ахборот берилишини айтиб, алдаб, ишончига кириб, 25.000.000 сўм пулини АТ “Халқ банки” Хўжаобод филиали томонидан очилган пластик картасига ўтказиб, У.А.нинг 25.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, 2022 йил 4 март куни Янгибозор тумани, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Ғ.Рўзметов билан фуқаро У.А. орқали телефонда танишиб, ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, Бош вазирнинг яқин қариндошларидан бири коронавирусга чалинганларни даъволовчи клиника ташкил қилганлигини, шунга ҳомийлик қилиши кераклигини, клиникада даволанаётган беморларга саҳоват кўрсатиб, ҳомийлик қилганларнинг рўйхати юритилиб, Бош вазирга ахборот берилишини айтиб, алдаб, ишончига кириб, 25.000.000 сўм пулини пластик карточка орқали ўтказиб олиб, Ғ.Р.нинг 25.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, 2022 йил март ойининг ўрталарида У.А.га ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб



таништириб, ишончига кирганидан фойдаланиб, уни “Янгибозор махсус сув пудрат” МЧЖ раҳбари лавозимига тайинланишида ёрдам берганлигини, унинг топшириғи билан мазкур лавозимга тайинланганлигини айтиб, алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, хизмати эвазига қиймати 165.495.450 сўм бўлган 15.000 АҚШ долларини Тошкент шаҳар ҳудудида фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, 2022 йил март ойининг охирларида У.А.га ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, турмуш ўртоғининг касал бўлиб қолганлигини, пул зарур бўлиб турганини айтиб, алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, У.А.дан қиймати 22.066.060 сўм бўлган 2.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, 2022 йил март ойининг охирларида олдиндан ўзига таниш бўлган ва ишончига кириб улгурган, Янгибозор тумани, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Ғ.Р.га ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, Самарқанд вилоятида автомашинаси йўл транспорт ходисасига учраганлигини, автомашинасини таъмирлаш учун пул зарур бўлаётганлигини, тез орада қайтариб беришини айтиб, алдаб, ишончига кириб, 15.000.000 сўм пул маблағларини пластик карточка орқали ўтказиб олиб, Ғ.Р.нинг 15.000.000 сўм пулларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, 2022 йил апрель ойининг ўрталарида олдиндан ўзига таниш бўлган ва ишончига кириб улгурган, Янгибозор тумани, “Дўстлик” маҳалласида яшовчи Ғ.Р.га ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, турмуш ўртоғининг буйрак, жигар ва юрагини Германия давлатида жарроҳлик операция қилиши кераклигини, 15.000 АҚШ доллари етмаётганлигини, тез орада Тошкент шаҳридаги уйини сотиб ҳисоб-китоб қилишини айтиб, алдаб, қиймати 147.160.000 сўм бўлган 13.000 АҚШ долларини Тошкент шаҳар ҳудудида фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, У.А.ни ишончига кирганидан фойдаланиб, ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, унга юқори лавозимда ишламоқчи бўлган танишларини раҳбарлик лавозимига жойлаб беришини айтиб, 2022 йил апрель ойининг ўрталарида У.А. орқали С.Мадримовнинг отаси М.Мадримовни Хоразм вилояти Кадастрлар палатаси бошлиғи лавозимига тайинланишида ёрдам беришини айтиб, алдаб, ишончига кириб, ишончини суиистеъмол қилиб, қиймати 226.400.000 сўм бўлган 20.000 АҚШ долларини Тошкент шаҳар ҳудудида фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, У.А.ни ишончига кирганидан фойдаланиб, ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, унга вилоятлар бўйича ночор оилаларга ёрдам бериш бўйича ишчи гуруҳ таркибида юрганлиги, ночор оилаларга имконият даражасида ёрдам қилаётганликлари, шунинг учун ночор оилаларга ёрдам сифатида Хоразм вилоятидан 4 қоп гуруч юбориши кераклигини айтиб, алдаб, 2022 йил август



ойининг охирларида У.А.дан жами нарҳи 3.650.000 сўм бўлган 2 қоп “аланга” ва 2 қоп “лазер” навли гуручни Тошкент шаҳар ҳудудида фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Шунингдек, И.Х. такроран, 2022 йилнинг сентябрь ойларида У.А.га ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, Англия давлатида бош қисмини даволатиб келганлигини, бош қисмини қайта даволатиб келмоқчилигини, пулга муҳтожлигини айтиб, алдаб, У.А.дан 12.000.000 сўм пулларни фуқаро Г.Усманова ва ўғли Б.Холдаровларнинг пластик карталарига ўтказишга эришиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Шунингдек, И.Х. такроран, У.А.ни ишончига кирганидан фойдаланиб, ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, юқори лавозимда ишламоқчи бўлган танишларини раҳбарлик лавозимида тайинланишида ёрдам беришини айтиб, 2022 йил 25 сентябрь куни С.Юлдашевни “Қўшқўпир махсус сув пудрат” МЧЖ раҳбари лавозимида тайинланишида ёрдам беришини айтиб, алдаб, ишончига кириб, ишончини суиистеъмол қилиб, эвазига 20.000 АҚШ доллари беришга келишиб, келишилган пулдан қиймати 110.103.300 сўм бўлган 10.000 АҚШ долларини Тошкент шаҳар ҳудудида олишини айтган.

2022 йил 25 сентябрь куни мазкур ҳолат юзасидан фуқаро У.А.нинг аризаси юзасидан Хоразм вилояти ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида, И.Х. келишилган 10.000 АҚШ долларини олиб билмасдан, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноятини охирига етказиб билмасдан, фирибгарлик жиноятини содир этишга суиқасд қилган.

Адвокат Р.Балтаев апелляция шикоятини, иш бўйича жабрланувчи С.Мадримовга етказилган зарар қисман қопланганлиги, бугунги кунда С.Мадримовнинг судланувчи И.Х.га нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида важлар келтириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, судья У.Бақдурдиевнинг маърузасини, судланган И.Х. ва унинг ҳимоячиси адвокат Р.Балтаевнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги, прокурор Ғ.Иброхимов, жабрланувчи С.Мадримовнинг суд ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, апелляция шикоятини келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Судланган И.Х. судда айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2022 йил январь ойининг ўрталарида Хоразмлик У.А. билан телефон орқали танишгани, ўзини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёрдамчиси “Зухриддин” деб таништириб, ҳар қандай ишни ҳал қилишини айтиб ишончига киргани, шу пайтларда У.А.га Бош вазирнинг яқин қариндошларидан бири коронавирусга чалинганларни даъволовчи клиника ташкил қилганлигини, шунга ҳомийлик қилиши кераклигини, ушбу клиникада даволанаётган беморларга саховат кўрсатиб, ҳомийлик қилганларнинг рўйхати юритилиб, Бош вазирга ахборот берилишини айтиб, алдаб, ишончига кириб, 25.000.000 сўм пулларини пластик



картасига ўтказиб олганини, У.А. орқали Ғ.Рўзметов исмли шахс билан танишиб, 2022 йил 4 март куни Ғ.Рўзметовга Бош вазирнинг яқин қариндошларидан бири коронавирусга чалинганларни даъволовчи клиника ташкил қилганлигини, шунга ҳомийлик қилиши кераклигини, ушбу клиникада даволанаётган беморларга саховат кўрсатиб, ҳомийлик қилганларнинг рўйхати юритилиб, Бош вазирга ахборот берилишини айтиб, 25.000.000 сўм пулларни пластик картасига ўтказиб олганини, 2022 йил март ойининг ўрталарида У.А.га кўнғироқ қилиб, “Янгибозор махсус сув пудрат” МЧЖ раҳбари лавозимига тайинланишида ёрдам берганини, унинг топшириғи билан мазкур лавозимга тайинланганлигини айтиб, У.А.дан 15.000 АҚШ доллари олганини, 2022 йил март ойининг охирларида У.А.га турмуш ўртоғи касал бўлиб қолганлигини, 2.000 АҚШ доллари кераклигини айтиб, У.А.дан 2.000 АҚШ доллари олганлигини, бироқ У.А.дан агарда пулларни бермаса уни ишга жойлаганлигини, ишдан ҳам ўзи бўшатишини ва қаматиб юбориши мумкинлиги билан таҳдид қилиб, кўрқитиб, мулкларини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиб олмаганини, 2022 йил март ойининг охирларида Ғ.Рўзметовга Самарқанд вилоятида автомашинаси йўл транспорт ҳодисасига учраганлигини, автомашинасини таъмирлаш учун пул зарур бўлаётганлигини, тез орада қайтариб беришини айтиб 15.000.000 сўм пулларини пластик картага ўтказиб олганини, 2022 йил апрель ойининг ўрталарида яна Ғ.Рўзметовдан турмуш ўртоғи касаллигини, уни даволатишга пул кераклигини, жигар ва юрагини Германия давлатида жарроҳлик операция қилиши кераклигини, 15.000 АҚШ доллари етмаётганлигини, Тошкент шаҳридаги уйини сотиб ҳисоб-китоб қилишини айтиб, Ғ.Рўзметовдан 13.000 АҚШ доллари олганини, ҳозирги кунда ушбу пулларни Ғ.Рўзметовга тўлик қайтариб берганини, 2022 йил апрель ойининг ўрталарида У.А. кўнғироқ қилиб, Хоразмлик таниши С.Мадримовнинг отаси М.Мадримовни Хоразм вилояти Кадастрлар палатаси бошлиғи лавозимига тайинланишида ёрдам беришини сўраганида рози бўлганини, У.А. ушбу лавозимга тайинланса С.Мадримов 20.000 АҚШ доллари бериб билишини айтиб, С.Мадримовдан У.А. орқали 20.000 АҚШ доллари олганини, У.А.дан 4 қоп гуручни беғараз ёрдам сифатида олгани, алдаб олмаганини, 2022 йил сентябрь ойларида У.А.га Англия давлатида бош қисмини даволатиб келганлигини, бош қисмини қайта даволатиб келмоқчи эканлигини, пулга муҳтожлигини айтиб 12.000.000 сўм пул олганини, У.А.дан агарда пулларни бермаса уни ишга ўзи жойлаганлигини, ишдан ҳам ўзи бўшатишини ва керак бўлса қаматиб юбориши мумкинлиги билан таҳдид қилиб, кўрқитиб олмаганини, 2022 йил сентябрь ойининг ўрталарида У.А. кўнғироқ қилиб, Хоразмлик таниши С.Юлдашевни “Кўшкўпир махсус сув пудрат” МЧЖ раҳбари лавозимига тайинлашида ёрдам беришини сўраганида 25 сентябрь куни С.Юлдашевни “Янгибозор махсус сув пудрат” МЧЖ раҳбари лавозимига тайинлашида ёрдам беришини айтиб, У.А. орқали 10.000 АҚШ долларини олмоқчи бўлганида тадбир ўтказилаётганини билиб қолиб, пулни олмаганини, пушаймонлигини, енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берган.

Судланувчи И.Х.нинг айби гувоҳларнинг кўрсатуви, ишга илова қилинган “CD-R” дискни қабул қилиш, кўздан кечириш, эшитиш ва



стенограмма қилиш баённомаси, пулга ишлов бериш ва фуқарога тақдим этиш баённомаси, овоз ёзиш мосламасини тақдим этиш баённомаси, кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиб қўйиш баённомаси, диктофонни кўздан кечириш ва эшитиб кўриш баённомаси, юзлаштириш баённомаси ҳамда жиноят ишида мавжуд объектив далиллар билан тасдиқланади.

Апелляция суди моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 414-моддасига асосан судланувчи И.Х.нинг айблилик масаласини муҳокама қилмасликни, фақат жазо масаласини муҳокама қилишни лозим топди.

Апелляция судида судланган И.Х., жабрланувчи С.Мадримовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, унинг даъвоси йўқлигини, жазони бошқа турдаги жазога алмаштиришни сўраб кўрсатув берди.

Апелляция судида жабрланувчи С.Мадримов, судланувчи томонидан етказилган зарар қопланганини, унга даъвоси йўқлигини, енгиллик қилишни сўраб кўрсатув берди ва ёзма равишда аризасини судга тақдим этди.

Суд томонидан судланган И.Х.нинг такроран, хавfli рецидивист бўла туриб, такроран фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишдан иборат жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 25 ва 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилиниб, унга нисбатан қонуний ва адолатли жазо тайинланган бўлсада, ҳозирги кунда жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди дейилган.

Юқоридагиларга асосан апелляция судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгартиришни, судланган И.Х.га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа турдаги жазога алмаштиришни лозим топди.

Апелляция судлов ҳайъати И.Х.га нисбатан жазо тайинлашда, зарарни тўлиқ қопланганлигини, етти ойдан буён озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаганлигини, иқтисодий ва моддий ахволини, 70 ёшдан ошганлигини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллашни, ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам енгилроқ жазо тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси тартибида ўтаган озодликдан маҳрум қилиш жазосини чегиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати,

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг 2023 йил 11 мартдаги Х.И. (Х.И.)га оид ҳукми ўзгартирилсин.

И.Х.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида 60.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин, ЖКнинг 25 ва 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тайинланган жазо ўзгаришсиз



қолдирилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 240 баравари миқдорида 72.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин, ЖКнинг 60-моддаси тартибида ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баравари миқдорида 75.000.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ушбу жазодан И.Х.нинг 2022 йил 6 октябрдан 2023 йил 10 майгача қамоқда сақланган 216 куни ЖКнинг 62-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида чегирилиб, ўташлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 142 баравари миқдорида 42.600.000 сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Судланувчи И.Х. суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчи С.Мадримовга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган ҳисоблансин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи:

У.Бакдурдиев

Ҳайъат судьялари:

О.Махмудов

Д.Муратов

